# „ЗАНГОРИ КЕМА"ЛАР ИШ УНУМИНИ ОШИРАЙЛИК!

• ЁЗУВЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

## СУРУР

Қорақалпоқ далаларида, деҳқонлар ҳузурида бўлдик. Деҳқон кўнглидай кенг майдонлар узра ҳукмрон уюшқоқлик, кўтаринки руҳ, ҳамжиҳатлик нималарга қодир эканлигини яна бир карра ҳис этдик.

Беруний райони пахта усталарининг шижоати беқиёс. Районнинг барча хўжаликлари бу йил пахта етиштириш ва тайёрлашни индустриал усулда олиб бориб, мавсумда қирқ беш минг тонна хирмон уюшга эришиш билан бирга, ҳосилнинг саксон процентини фақат биринчи сортга топширишга аҳд қилганлар.

— Шу мақсадда механизаторларимиз терим агрегатларини энг юқори унум билан ишлатмоқдалар, —деб ҳикоя қилади Охунбобоев номли совхоз партия ташкилотининг секретари Шеримбет Ешимбетов. —Совхоздаги йигирма агрегатнинг ҳаммаси далада. Кундалик ўсиш деярли ўн процентни ташкил қилмоқда. Ишимиз шу йўсинда давом этиб турса, мажбуриятимизни узоғи билан йигирма кун ичида адо этамиз. Ҳосилимиз мўл. Йиғим-теримга олдиндан пухта тайёргарлик кўрганмиз. Эҳтиёт қисмлар билан тўла таъминланган кўчма ремонт устахоналари механизаторларга яхши ёрдам бериб турибди. Ҳар бир механизатор учун ёрдамчилар бириктилган. Механизмларнинг уринган қисми пайкалнинг ўзида ремонт қилинади. Ҳар бир машинага учтадан тележка ажратилган, пахтани пешма-пеш ташиб турибди.

Ҳар томонда пайкал оралаб сузган «зангори кема»лар. Теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

— Ўтган йили ернинг сирини билмай панд еб қолгандик, —ҳикоя қилади суҳбатдошимиз, — ерларимиз Амударёга яқин-да, зах тортиб туради. Бунинг устига баҳорда қаттиқ жалалар бўлиб, ишимизнинг белига тепди. Ҳадеб ёмғир ёғаверса ернинг шўри ҳам чиқиб кетаркан. Чигитни икки марталаб, баъзи жойларда уч марталаб экишга тўғри келди. Ғўза эндигина етилай деганда ер остидан сариқ сув чиқиб, экин илдизлари зарар еди. Уларнинг ўсмай қолгани етмагандай ҳосили ҳам унча бўлмади... Бу йил ана шунақа тасодифларга барҳам беришни эрта баҳорданоқ бошладик. Зовурлар қазиб, сариқ сувни даладан ташқарига оқизиб турдик. Парваришга куч бердик. Натижа ёмон бўлмади. Мана, қаранг, ҳосил мўл.

Дарвоқе, атрофга тикилиб, биллур коса тўла қаймоқдай тошиб турган пахталарни кўриб, киши завқланади. Мушкулларга дош бериб, сув деган ғўзага меҳр улашиб, саратон иссиғига кипригини соябон қилиб, экинни асраган деҳқон жасоратига тасанно айтгинг келади. Охунбобоев номли совхознинг «Қорақалпоғистон АССР 50 йиллиги», «Янги ер», «Социализм», Калинин ва Ленин номли бўлимлари далаларида бирон гиёҳ ундириш мумкин эмасдай туюлган, шароити оғир бу жойларда оилавий пудрат усули қўл келди. Ҳар бир оилага имкониятига қараб ерлар тақсимлаб берилди. Ҳар оила бир звено. Ўзига бириктилган ерни шудгорлашдан тортиб, пахтасининг сўнгги граммигача териб бериш зиммасида. Биронта оилавий звенонинг йиллик планини бажармаган мавсуми йўқ. «Янги ер» бўлимининг Содиқ Айтматов бошлиқ оилавий звеноси етти жондан иборат. 20 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариб, етмиш тонналик хирмонини дўндириб қўйди. Шундай звеноларнинг бошлиқларидан Қурбонбой Абдуллаев, Мурод Қудашев, Олимбой Давлатёров, Нурғали Умаров, Камол Янгибоев мавсумда икки юз тоннадан хирмон уюш мақсадида машина бункерларидан кунига ўн тоннага етказиб пахта тўкишмоқда.

— Оилавий пудрат усули афзалликлари мақтовга сазовор, — дейди «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг партия ташкилоти секретари Эгамберди Жумабоев, — етмиш оилага 850 гектар ерни бўлиб берганмиз. Улардан кузда тайёр «оқ олтин»ни қабул қилиб оламиз. Қолган ишни ўзлари мустақил бажаришаверади. Илгарилари қанча қисталанг қилмайлик, ҳар хонадондан ярим оила аранг далага чиқарди. Энди ҳаммаси пахтазорда. Чунки ваъдасини вақтида бажармаса, бутун оиланинг шаънига доғ тушади.

Мазкур колхоз аъзолари 27 кун ичида ҳосилни йиғиб олиб, мажбуриятни адо этишга аҳд-паймон қилишган. Шу боисдан Йўлдош Ўразимбетов, Давлат Тўраев, Йўлдош Сейтонов, Отаулла Отажонов, Ойсанам Тожиева, Чоршанбой Арабов, Баҳовиддин Ибодуллаев ўртоқлар бошлиқ звенолар пешқадамлик қилмоқдалар. Улар 20-октябрга қолмай мажбуриятни бажариш тараддудидалар.

— Бизлар узоғи билан 7-октябрда рапорт топширамиз, — дейди Беруний номли совхознинг «Октябрнинг 50 йиллиги» бўлими бошлиғи Сотимбой Тожибоев.

Берунийликлар кейинги уч йил ичида яна бир янгиликни кашф қилишди. Давлатга терган пахталарини эмас, ундан ишланган тайёр маҳсулотни топширадиган бўлдилар. Районда ип йигирув, шунингдек, газлама тўқиш комбинатларини ишга туширдилар. Эндиликда ўз территорияларидаги пахтани қайта ишлаш заводларидан чиққан толалар тўппа-тўғри ип-йигирув комбинатига келиб тушаверади. Унда ишлаб чиқарилган 1936 тонналик аъло сифатли ип эса ўз навбатида шундоққина ёнларидаги тўқув комбинатига ўтади-ю, йилига уч миллион сўмлик газлама тайёр бўлиб чиқаверади. Фидойи деҳқон етиштирган пахтанинг бир грамми ҳам нобуд бўлмайди, чиқитга чиқмайди. Қанча кўп ҳосил тўпланиб, пурвиқор чўққилар барпо этилаверса, иккала комбинат коллективи учун ҳам шунча шижоат кўрсатиб ишлашга имкон туғилаверади.

— Очиқ келган шу кеча-кундузнинг ҳар соатидан унумли фойдаланиб қолишимиз керак, — дейди район партия комитетининг секретари Б. Қурбонниёзов. — Бу йил районимизда шунчалик мўл пахта бўлиб беради, деб ўйламагандик. Чунки, ҳар сафаргидай баҳор ҳавоси бизга кулиб боқмади. Икки марта кучли ёмғир қуйиб берди. Қадаган чигитларимиз чириди, қайта экканларимиз ҳам ҳадеганда унавермай, анча-мунча ташвишга солди. Катта меҳнатлар эвазига катта ҳосил яралди. Унинг ҳар толасини авайлаб териб олиш муқаддас бурчимиз. Шиддатни бўшаштирсак панд еб қолишимиз ҳеч гап эмас!

Пахтамизнинг қадри-қиммати ана шундай. Бу бебаҳо бойлик бунёдкорлари эса бирига минг берган меҳнати учун юртда мағрур ва ўктам.

**Борис ПАРМУЗИН,**
**Тўлапберган ҚАИПБЕРГАНОВ,**
**Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.**



## ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ

**Задарё районидаги Ильич номли совхознинг илғор механизатори Абдусалом Қодиров бошлиқ оилавий механик-ҳайдовчилар экипажи шу қизғин терим кунларида эл хирмонига катта ҳисса қўшмоқда. Оила ихтиёридаги бешта «зангори кема»ни ота ва унинг ўғиллари Иброҳим, Абдулфаттоҳ, Бахтиёр ҳамда куёви Саминжонлар бошқармоқдалар. Ҳар бир машина билан 150 тоннадан пахта теришга аҳд қилган экипаж мавсум охирига қадар эл хирмонига 750 тонна дурдона тўкишни кўзлаган.**

**Суратда: Ленин ордени нишондори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Абдусалом Қодиров (чапдан иккинчи) ўз оилавий экипажи билан.**

**А. БУРХОНОВ фотоси.**

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

## ЯНГИ МАРРА — 58 ЦЕНТНЕР

Бригадамиз коллективи зафар қучди. 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтардик. Бунинг 75 тоннаси машиналарда терилди. 300 тонна пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга топширилди.

Бригадамизнинг Насиба Аҳмаджонова, Саида Файзуллаева, Ёқубжон Солиев, Неъматжон Йўлдошев каби кўпмингкилограммчи теримчилари хирмонга 4-5 тоннадан пахта тўкдилар. «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббусига қўшилиб ишлаётган коллективимиз меҳнат унумдорлигини ўтган йилга нисбатан 6 процент ўстиришга эришиб, ҳар гектар ердан 3950 сўмдан даромад қилишга, 1600 сўмдан соф фойда олишга аҳд қилган. Шунда 1 центнер пахта таннархи 5 сўм арзонлашади.

Биз ўз имкониятларимизни чамалаб чиқиб, она-Ватан хазинасига яна 150 тонна пахта топширишга ва ҳосилдорликни ҳар гектар ер ҳисобига 58 центнерга етказишга сўз бердик.

**Абдураҳмон ЖЎРАЕВ,**
**Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхози бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

## ТАШАББУСГА ТАШАББУС БИЛАН

**Республикамиз бир группа пахтакорларининг КПСС XXVII съезди шарафига етиштирилган ҳосилни 27 кунда йиғиб-териб олиш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббуси районимиз пахтакорларини руҳлантириб юборди. Ташаббус уларни йиғим-терим ишларини юксак суръатлар билан олиб боришга, ҳар бир иш участкасида жасорат кўрсатиб ишлашга чорлаяпти. Ҳамма жойда ана шундай меҳнат қилиш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд.**

Маълумки механизацияни ишлаб чиқаришга тўла жорий этмасдан туриб мўл ва арзон пахта етиштириб бўлмайди. Биз ана шуни ҳисобга олиб ерларни тайёрлаш, чигит экишдан тортиб, то ҳосил йиғим-теримигача бўлган ишларнинг аксарият қисмини механизация зиммасига юклашга эътибор бердик. Бу агротехник тадбирларни амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари, коммунистлар ташаббускорлик ва тадбиркорлик билан иш юритдилар.

Деҳқончиликни механизациялаш, айниқса, етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда териб олиш ижобий самаралар беришини Ленин орденли «Нарпай» совхози мисолида кўриб келяпмиз. Хўжалик пахтачиликда районимиздагина эмас, областимизда ҳам катта тажриба мактабидир. Бу ерда қарийб 20 йилдан буён бутун ҳосилнинг 70-80, ҳатто 90 процентини «зангори кема»лар ёрдамида териляпти. Лекин кейинги йилларда бунга етарлича эътибор берилмаганлиги туфайли хўжаликда ва умуман районимизда пахтани машина билан териш даражаси камайиб кетди. Ўтган йили районимизда пахта териш плани бажарилмади. Машина терими топшириғи 32 процентда қолиб кетди. Бу йил пахтакорларимиз ана шу чекинишга барҳам бериб, етиштирилган 40 минг тонналик «оқ олтин»нинг 70 процентини «пўлат этак»лардан тўкишга сўз беришган.

Биз йиғим-терим мавсумига пухта ҳозирлик кўрган ҳолда киришдик. Мавжуд 250 та пахта териш машинаси, 664 та трактор прицепи, барча кўрак териш ва кўрак чувиш машиналари тўла ремонт қилинди. Бу машина-механизмлар 25 та йиғим-терим отрядига бирлаштирилди. Машиналарга техника хизмати кўрсатадиган 15 звено ташкил этилди. Ҳар бир йиғим-терим отрядида мувaққат партия ва комсомол группалари ташкил этилиб, улар бугунги кунда актив фаолият кўрсатмоқдалар. Бу группалар механизаторлар ўртасида партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларнинг юқори савияда бўлишини уюштирадилар. Улар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этадилар ва унинг ошкоралигини таъминлайдилар.

Районимизда ҳар бир терим машинасида ўртача 100 тоннадан пахта териб олиш режалаштирилган. Бунинг учун пахтаси «зангори кема»лар билан теришга мўлжалланган майдонлар бир неча бор текширишдан ўтказилиб, бегона ўтлардан тозаланди. Бурилиш йўлкалари тахт қилиб қўйилди. Бу эса терим машиналарини юқори унум билан ишлатишда муҳим роль ўйнаяпти. Шу билан бирга «зангори кема»ларнинг икки сменада ишлашини таъминлашга эришилмоқда. Улар билан теримнинг дастлабки кунларида 6-8 тоннадан, қизғин пайтларда эса 10-12 тоннадан пахта теришга эришиб, йиғим-терим мавсумини ўтган йилларга нисбатан 15-20 кунга қисқартириш имконига эга бўлдик. Механизаторлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилди. У ҳар ўн кунда якунланиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантириб боріляпти.

Ҳар бир механизатор учун махсус ён дафтарча ҳам ташкил қилинган. Унда унинг меҳнати бераётган самара кўрсаткичлари қайд қилиб борилади. Районимизда «зангори кема» дарғалари кўп. Ўтган йили 140-150 тоннадан пахта терган опа-сингил Эркиной ва Мавлуда Кенжаева, Ризо Аблаев, Санам Раҳимова, Истам Пирматов, Эргаш Бозоров, Шавкат Мирзаев каби ўнлаб механик-ҳайдовчилар бу йил 150-200 тоннадан пахта териш мажбуриятини қабул қилдилар.

Етиштирилган ҳосилни тез ва қисқа муддатларда йиғиштириб олиш дефолиациянинг сифатли ўтказилишига боғлиқдир. Буни ҳисобга олган район агросаноат бирлашмаси, колхоз ва совхозларнинг мутахассислари пайкаллардаги ғўзаларнинг ҳолатини кўздан кечириб, баргини тўктириш муддатларини аниқ белгилаб берган эдилар. Районимизда 5 сентябрь куни дефолиацияга оммавий киришилди ва у 10 кунда тугалланди. Дефолиацияни ўтказишда асосан ер усти аппаратларидан фойдаланилди.

Айни пайтда терим ишлари жадал олиб бориляпти. Пайкалларда машиналар иш бошладилар. Аниқроғи, оммавий машина теримига киришдик. Давлатга 15 октябрга қадар пландаги 35570 тонналик «оқ олтин»ни етказиб берамиз. 20 октябрда эса зиммага олинган социалистик мажбурият бажарилади. Ҳозир районимизнинг барча хўжалик ва бригадаларида бутун партиявий-ташкилий, идеологик ишлар ана шу аҳдимизнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган. Савдо, медицина, маиший хизмат далага кўчириляпти.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев Целиноград шаҳридаги партия хўжалик активи кенгашида сўзлаган нутқида ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги йилини муваффақиятли тугаллаш соҳасидаги ҳозирги ишларнинг ғоят муҳимлигини, келажакда қилинадиган ишлар учун замин яратиб қўйиш, янги беш йилликни яхши бошлаш учун ҳозирдан пухта тараддуд кўриш зарурлигини таъкидлади. Бу кўрсатмани ўзларининг жанговар иш программаси деб билган район коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажариш мақсадида пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини ва социалистик мажбуриятини қисқа муддатда тугаллаш даъвати билан майдонга чиқдилар. Ташаббус область партия комитетида маъқулланди.

Республикамиз бир группа илғор пахтакорлари КПСС XXVII съезди шарафига ҳосилни 27 кунда териб олиш учун бошлаб берган ташаббусига районимиз деҳқонлари ҳам ташаббус билан жавоб бердилар. Етиштирилган ҳосилни тез, соз, қисқа муддатларда йиғиштириб олиб, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига муносиб совға ҳозирлаймиз.

**Ф. МАНСУРОВ,**
**Навоий район «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси бошқарувчиси.**

## ХXVII МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### МАШИНА ТЕРИМИ — ИШИМИЗ УНУМИ

ТОШКЕНТ. Кеча пойтахт области далаларида 2423 та пахта териш машинаси ишлатилди. Уларнинг ўртача иш унуми 6,3 тоннани ташкил этди. Ғалаба райони механизаторлари 402 та терим агрегатининг ҳар бири билан ўртача 7-8 тоннадан «оқ олтин» териб олдилар.

Механик-ҳайдовчилар ўртасидаги социалистик мусобақада Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоздан И. Тожиқулов ва Р. Абдураззоқов пешқадамлик қилишаётир. И. Тожиқулов ҳозирга қадар 127 тонна, Р. Абдураззоқов эса 203 тонна дурдона теришга эришди. Бўка районидаги Тимирязев номли колхоздан А. Асроров ўз агрегати бункеридан 212 тонна, О. Мамадиев 128 тонна «оқ олтин» тўкди.

Оққўрғон райони пахтазорларида 385 та терим агрегати юксак унум билан ишлатиляпти. Уларнинг ҳар бири ёрдамида кунига 7,5 тоннадан хом ашё йиғиштириб олинаётир. «Оққўрғон» совхози механизаторлари агрегатлар қувватидан самарали фойдаланиб, машина терими бўйича кунлик ўсишни 5-6 процентга етказдилар. Бу кўрсаткич С. Сегизбоев номли совхоз, «Ленинизм» ҳамда Вотинцев номли колхозларда планнинг 6 процентини ташкил этмоқда. Ю. Хиснулин, М. Ковешников, К. Қурбонбоев каби илғор механизаторлар кунига 11-15 тоннадан пахта теришаётир

**СИРДАРЁ. Оқолтин районида бир кунда 680 та терим агрегати ёрдамида 1523 тонна «оқ олтин» териб олинди. «Чинобод» ва «СССР 60 йиллиги» совхозларининг дала гвардиячилари ўз агрегатлари бункеридан 4,5-5 тоннадан хом ашё тўкишаётир. «СССР 60 йиллиги» совхозидан Машраб Темиров, «Чинобод» совхозидан Анорбой Холбоев кунига 10 тоннага етказиб «оқ олтин» теришяпти.**

**Меҳнатобод районидаги «Пахтакор» совхозининг 3-бўлими чўлқуварлари янги ўзлаштирилган ерлардан дастлабки ҳосилни йиғиштириб олдилар. Унинг асосий қисми агрегатлар бункеридан тўкилди. Моҳир механизаторлардан Маъруф Мадраҳимов, Садриддин Иброҳимов ва Пўлат Холматов 30-35 тоннадан пахта теришди.**

**Бўлим миришкорлари давлатга яна 90 тонна қўриқ дурдонаси армуғон этишни кўзлашмоқда.**

НАВОИЙ. Хатирчи районидаги «Ўзбекистон» колхози механизатори Ҳамза Усмонов зарбдорчасига меҳнат қилмоқда. У бир кунда 15 тонна пахта теришга эришди. Чевар теримчилардан Насиба Тўхтаева ва Ўрол Исмоилова кунига 150 килограммдан пахта териб, хирмонга барака киритишмоқда.

Миришкорларнинг ғайрат-шижоати туфайли улар ишлаётган бригада йиллик планнинг 10 процентини миқдорида «оқ олтин» тайёрлаяпти.

**ФАРҒОНА. Риштон районидаги Навоий номли совхоз механизатори Муҳаммаджон Шариповнинг мавсум бошидан бери уйган «оқ олтин» хирмони 70 тоннадан ошди.**

### ЗАФАР МУБОРАК

АНДИЖОН. Областда беш хўжалик, 68 бригада пахта тайёрлаш бўйича беш йиллик планини адо этди.

Беш йиллик планини тўрт йилда бажарган Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобилжон Мирзаев бошлиқ бригадаси якунловчи йил маррасини ҳам эгаллади. 122 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Қаҳрамон бошлиқ бригада аъзолари ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун йиғим-теримни қизғин давом эттиришмоқда.

Терим техникаси қувватидан самарали фойдаланилаётгани туфайли Комсомолобод районида кунига 4,5 процент миқдорида пахта тайёрланаётир.

Шунингдек, Комсомолобод районидаги Мирзааҳмедов номли совхознинг 4-бўлими пахтакорлари беш йиллик планни адо этдилар. Қабул пунктларига 8100 тонна «оқ олтин» жўнатилди. Илғор коллектив КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш мақсадида бу йил 1700 тонна пахта тайёрлаш ва шунинг 85 процентини машиналар ёрдамида йиғиштириб олишга аҳд қилган.

Андижон районидаги Тешабой Мирзаев номли боғдорчилик-узумчилик совхози деҳқонлари ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига пахта топшира бошладилар. Мавжуд ерларнинг ҳар гектаридан пландаги 15,2 центнер ўрнига 16 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Абдужалил Азимов бошқарувчилик қилаётган бўлим коллективи бу кўрсаткични 22 центнерга етказишни кўзламоқда.

### ИЛҒОРЛАР

САМАРҚАНД. Каттақўрғон райони пахтакорлари йиғим-терим суръатини тобора оширмоқдалар. Улар кунига 1800 тоннадан ошириб «оқ олтин» териб топширишаётир. Бу йиллик планнинг 3 процентига тенгдир.

**БУХОРО. Шофиркон районидаги Ленин номли колхоз далаларида 30 га яқин хўжалик ҳисобидаги звено пахта теримини қизғин давом эттирмоқда. Ўзаро меҳнат беллашувида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Барчиной Ҳайдарова звеноси илғорликни қўлдан бермаётир. Звено аъзолари кунига 9 тоннадан «оқ олтин» теришга муваффақ бўлмоқдалар.**

## МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Боғот районидаги Киров номли колхоз чорвадорлари давлатга гўшт сотиш йиллик планини адо этишди. Қабул пунктларига 60 тонна бўрдоқи гўшти топширилди, ҳар бош қорамолнинг вазни 400 килограммни ташкил этди.

Шунингдек, Янгиариқ районидаги «1 Май» колхози ҳам йиллик гўшт тайёрлаш планини бажарди, давлатга 56 тонна гўшт сотилди.

Гурлан райони полизчилари эл дастурхонига 4250 тонна ширин-шакар қовун етказиб бериб, полиз маҳсулотлари тайёрлаш йиллик планини ўринладилар. «Коммунизм», Ленин номли ва «Қорақалпоғистон» колхозларида полиз маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўтган йилдагидан анча ошди.

**Ф. ЗОҲИДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

*«Совет Ўзбекистони» қишлоқ хўжалиги бўлими почтасидан*

## САТРЛАРДА МЕҲНАТ НАФАСИ...

**«Олтинкўл районидаги Навоий номли колхозда терим қизғин тус олди. Шу долзарб дамларда 88 ёшли Исоқ ота Ҳамроқулов ҳам этак боғлаб далага чиқди. Отахон мавсумда бир тонна пахта териб беришга аҳд қилган... —** деб хабар йўллабди андижонлик **Т. КОМИЛОВ.**

Редакциямизга бундай серҳиммат отахон-у-онахонларнинг, уруш ва меҳнат ветеранларининг фидокорлиги ҳақида ҳикоя қилувчи хат-хабарлар кўплаб келиб турибди. Уларда илғорликни қўлдан бермай, соат сайин «оқ олтин» тонналари салмоғини ошириб бораётган моҳир механизаторлар, кўпмингкилограммчилик ҳаракатида актив қатнашиб, юқори натижаларга эришаётган илғор теримчилар меҳнат шижоати мадҳ қилинади.

Ҳа, Ўзбекистонда ҳамма пахтакор. Ўзини шонли юртининг муносиб фарзанди деб билган киши борки, ҳозир далада.

**— Беруний районидаги «Ленинизм» колхози механизаторлари «зангори кема»лар билан кунига йиллик планнинг 2,5—3 проценти миқдорида пахта теришга муваффақ бўлишяпти, —** деб ёзади жамоатчи мухбиримиз **М. Муханов. — Рустам Матёқубов ва Гулимбой Йўлдошев сингари механик-ҳайдовчилар теримда илғорлик кўрсатиб, уларнинг ҳар бири кунига 8-9 тоннадан дурдона теришга эришмоқдалар.**

Бухоролик **С. Қодиров**нинг туркум хабарларида эса Пешку районидаги қатор хўжаликлар механизаторлари ҳамда кўпмингкилограммчи теримчи қизларининг «оқ олтин» хирмонларини бунёд этишга қўшаётган ҳиссаси ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек, редакциямизга тармоқнинг илғор ғаллакорлари, чорвадорлари, соҳибкорлари ва полизчилари эришаётган ютуқлар ҳақида ҳам кўплаб хат-хабарлар келиб турибди.

**— Томдидаги Калинин номли совхоз бош чўпони Ниёз Муродов оиласидан 9 киши 115 тонна дағал хашак тўплаб, жамоат чорвачилиги озуқа базасини мустаҳкамлаш ишига баракали ҳисса қўшди, —** деб хабар беради навоийлик **Ё. Умаров.**

Наманганлик **А. Сайдаҳмедов** Задарё полизчилари ютуғи ҳақида ёзса, қашқадарёлик **Ҳ. Раҳмонов** Китоб райони сабзавоткорларининг меҳнат муваффақиятларини қаламга олган. Газетхонлардан **Ҳ. Тожиева** (Бухоро), **М. Рустамов** (Тошкент), **Ю. Қудратов** (Жиззах), **И. Усмонов** (Қашқадарё), **Н. Ҳолиқов** (Самарқанд) ўртоқлар ҳам қишлоқ хўжалиги ишларига оид хат-хабарлар йўллашган.

## НОВАТОРЛАР ИБРАТИ

**«КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» умумхалқ социалистик мусобақаси янги илғорларни юзага чиқармоқда. Новаторлар беш йиллик топшириқларини барвақт бажарганликлари ҳақида рапорт беряптилар. Янгийўл пойабзал фабрикасининг моҳир ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати О. Икматова меҳнатда яна жасорат кўрсатди. У икки беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарди.**

**Корхонанинг бошқа ишчилари ва коллективлари ҳам ғолиблик учун курашмоқдалар. Тайёрлов цехининг Т. Самохина етакчилик қилаётган бригадаси ишчилари йиллик планга қўшимча 15 минг жуфт юқори сифатли болалар пойабзали тайёрлаш йўлида ғайрат кўрсатишяпти.**

**Бундай машъалларнинг қимматли тажрибаси коммунистларнинг олий анжумани шарафига ҳозирланаётган катта тўёнага муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.**

**С. АЛИЕВ.**

## БИНОКОРЛАР РАПОРТИ

КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, юксак унумдорлик, ишда аъло сифат учун курашиб келаётган «Ферганаводстрой» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари навбатдаги ғалабани қўлга киритдилар: беш йиллик план ошириб бажарилди.

Шу давр ичида Марказий Фарғона чўлларида 1180 гектар янги ер очилди, 5626 гектар ер капитал текисланди, чўлқуварлар учун 2165 квадрат метр уй-жой қурилди. Фарғона районидаги паррандачилик комплексида, «Повулғон» насос станцияси ва Катта Фарғона канали ўзанида ҳам катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

«КПСС XXVII съездига — 27 зарброр ўн кунлик!» ҳаракатининг пешқадамлари бўлиб келаётган Олим Абдураҳимов, Қодир Мамажонов бошлиқ скреперчилар ҳамда бетончилар бригадалари азаматлари, Парахиддин Комилов, Олим Ёқубов, Бахтиёр Жамбулов, Риза Салимов, Ғофир Маҳкамов каби экскаваторчи, бульдозерчи, скреперчи, монтажчи ва электр пайвандчилар бу ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

Ирригаторлар йил охиригача яна 1570 минг сўмлик иш бажариш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатишяпти.

**О. ҲАКИМОВ,**
**Олтиариқ район партия комитетининг инструктори.**

